



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 18 февраль, № 34 (8929)


Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН — КУВАЙТ: КЎП ҚИРРАЛИ АЛОҚАЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Кувайт Давлати Амири Шайх Мишъал ас-Сабохнинг таклифига биноан 17 февраль куни расмий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.



Ал-Кувайт халқро аэропортида давлатимиз раҳбарини Амир Шайх Мишъал ас-Сабох, Валиахд Шайх Сабох ас-Сабох ва бошқа расмийлар қутиб олди.

Ўзбекистон етакчилигининг ташрифи шарафига фахрий қоровул саф тортиди, давлат байроқлари кўтарилди, икки мамлакат мадҳиялари янгради.

Президентимиз фахрий қоровул сафи олдида ўтди. Сўнг давлат раҳбарлари расмий делегациялар аъзолари ва дипломатик корпус вакиллари кутлади.

Аэропортнинг Амир терминалида етакчилар ўртасида қисқа суҳбат бўлиб ўтди.

Шундан сўнг Ал-Кувайт шаҳридаги «Ал-Баян» саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Кувайт Давлати Амири Шайх Мишъал ас-Сабох тор доирада учрашув ҳамда расмий делегациялар аъзолари иштирокида музокара ўтказилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари қўрсатилаётган самимий қабул ва юксак эътибор учун Амирга миннатдорлик билдириб, Кувайт етакчилиги ва дўст халқини яқинлашиб келаётган миллий байрамлар билан дилдан қутлади.

Ўзбекистон билан Кувайт ўртасидаги дўстлик ва кўп қиррали шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Президентимиз Кувайтда муваффақиятли амалга оширилаётган, мақсад ва вазифалари Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг узок муддатли устувор йўналишларига ҳамоҳанг бўлган «Нигох 2035» давлат дастурини алоҳида қайд этди.

Фаол сиёсий мулоқотлар ва идораларо алоқаларни янада яқинлаштириш, ўзаро товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳажми барқарор ортиб бораётгани мамнуният билан таъкидланди.

Ўтган йили Хукуматлараро комиссиянинг биринчи йиғилиши самарали ўтказилди, қатор муҳим ишбилармонлик тадбирлари ташкил этилди.

Савдо-иқтисодий, инвестициявий, инновацион ва молиявий-техник соҳалардаги ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

«Яшил» энергетика, саноат кооперацияси, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика, инфратузилма, шаҳарсозлик, соғлиқни сақлаш, туризм соҳалари ама-

лий ҳамкорлигининг устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

Қўшма лойиҳаларни илгари суриш мақсадида Инвестиция платформаси ва Ишбилармонлар кенгаши каби механизмларни йўлга қўйиш, шунингдек, Ал-Кувайт шаҳрида савдо уйини очиш бўйича келишувга эришилди.

Янги шериклик дастури доирасида Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси билан лойиҳалар портфелини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Кувайтда маданият ва туризм ҳафталикларини ўтказиш, икки мамлакат вакиллариининг санъат, мусика, кино, таълим ва спорт соҳаларидаги маданий-гуманитар тадбирларда фаол иштирок этишига қўмаклашишга келишиб олинди.

Учрашувда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Қўшилмаслик ҳаракати ва бошқа нуфузли тузилмалар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Жорий йил май ойида Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши» мулоқоти саммитига тайёргарлик куриш ва уни ўтказиш бўйича қўшма чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Етакчилар халқро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашди.

Музокаралар якунида икки давлат раҳбарлари кенг қамровли шерикликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қарор қилдилар.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Президенти Кувайт Амирини мамлакатимизга ташриф билан келишига тақлиф этди.

Ал-Кувайт шаҳрида бўлиб ўтган музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Кувайт Давлати Амири Шайх Мишъал ас-Сабох Ўзбекистон — Кувайт кенг қамровли шериклик муносабатларини ривожлантириш тўғрисида қўшма баёнот қабул қилдилар.

Шунингдек, қуйидаги ҳужжатлар имзоланди:

- Саноат соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Ҳаво қатнови тўғрисидаги битимга баёнот;
- Меҳнат соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— «Ақли» шаҳарларни барпо этиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Санъат ва маданият соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Туризм соҳасида 2025 — 2027 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури;

— Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси билан ҳамкорлик тўғрисида битим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Кувайтга ташрифи доирасида ўзи учун ажратилган қароргоҳда ушбу мамлакат Бош вазир вазифасини бажарувчи, ички ишлар вазир Шайх Фахд ас-Сабох бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда Кувайт томонидан молия ва инвестициялар вазир Нур Сулаймон ал-Фассам, савдо ва саноат вазир Халифа Абдулла ал-Аскар ҳамда Инвестиция агентлиги директори Шайх Сауд ас-Сабох ҳам иштирок этди.

Бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар якунида эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Икки давлат раҳбарларининг Ўзбекистон — Кувайт муносабатларини кенг қамровли шериклик даражасига олиб чиққан учрашуви самарали бўлгани катта мамнуният билан қайд этилди.

«Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши» саммитида иштирок этиш учун Кувайт Амирининг Ўзбекистонга бўлажак ташрифига биргаликда тайёргарлик куриш муҳимлиги қайд этилди.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Шу нуктаи назардан, Қўшма инвестиция платформаси ва Ишбилармонлар кенгашини ташкил этиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги, логистика ва транспорт, гидроэнергетика, инфратузилма, соғлиқни сақлаш, фармацевтика ва бошқа тармоқлардаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва илгари суриш муҳимлиги қайд этилди.

«Йўл харитаси»га киритилган кооперация дастурлари ва лойиҳаларини илгари суриш мақсадида фаол мулоқотлар ва ўзаро ташрифларни ташкил этишга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шавкат Мирзиёев Кувайт ташқи ишлар вазир Абдулла ал-Яхё билан учрашув ўтказди.

Кувайтга амалга оширилаётган тарихий ташриф давомида эришилган келишувлар доирасида фаол сиёсий мулоқотни давом эттириш, савдо-иқтисодий ва инвестиция-молиявий ҳамкорлиқни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ташриф доирасида Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси билан янги ҳамкорлик дастури имзолангани юқори баҳоланди.

Озик-овқат хавфсизлиги, саноат кооперацияси, инфратузилма, туризм ва бошқа йўналишларда лойиҳаларни илгари суриш ҳамда мамлакатлар ўртасида тўридан-тўри авиақатновларни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ташрифнинг ишбилармонлик дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Fouad Alghanim & Sons» компанияси раҳбари Фади Хаддадни қабул қилди.

1965 йилда ташкил этилган холдинг автомобилсозлик, қурилиш, энергетика, нефть-газ, савдо, кема қурилиши, авиация, телекоммуникация, туризм ва кўчмас мулк соҳаларида фаолият юритмоқда.

«Fouad Alghanim & Sons» компаниясининг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида соғлиқни сақлаш ва таълим объектларини қуриш режалари қўллаб-қувватланди.

Президент Шавкат Мирзиёев «Agility Logistics» компанияси раиси Хенади ал-Салих билан учрашув ўтказди.

1979 йилда ташкил этилган транс-миллий логистика компанияси бу соҳада дунёнинг энг йирик корхоналаридан бўлиб, 70 дан ортиқ мамлакатларда фаолият юритмоқда. Авиация хизматлари, саноат омборлари, логистика парклари, хизматлари рақамлаштириш каби йўналишларда иш олиб бормоқда.

Учрашувда Кўрфаз мамлакатларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини самарали етказиб бериш учун Ўзбекистонда қўшма логистика марказини ташкил этиш бўйича истиқболли лойиҳага алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Action Group Holdings» компанияси раҳбари Шайх Муборак ас-Сабохни қабул қилди.

1998 йилда ташкил этилган холдинг фаолияти кўчмас мулк, нефть саноати, ахборот технологиялари, логистика, қурилиш, таълим, консалтинг ва савдо соҳаларини қамраб олади.

Давлатимиз раҳбари «Action Group Holdings» компаниясининг Ўзбекистонда гидроэлектр станциялари ва ижтимоий уй-жойлар қуриш, минерал ресурсларни қайта ишлаш бўйича режаларини маъқуллади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Kamco Invest» компанияси раҳбари Абдуллоҳ ал-Шарих билан учрашди.

1998 йилда ташкил этилган «Kamco Invest» молиявий компанияси активларни бошқариш, инвестицион банкинг ва брокерлик соҳасида хизматлар кўрсатади. БАА, Саудия Арабистони, Иордания ва Буюк Британияда ваколатхоналарини мавжуд.

«Kamco Invest» раҳбарияти билан хусусий компанияларнинг корпоратив фаолияти самарадорлигини ошириш лойиҳасини йўлга қўйиш ҳамда Қўшма инвестиция платформасини яратиш бўйича келишувга эришилди.

Давлатимиз раҳбарининг Кувайтга расмий ташрифи ишбилармонлик дастури доирасида «Al Intiaz Investment Group» компанияси бошқаруви аъзоси ва ижрочи директори Фузи Халид бин Эсса билан учрашув бўлиб ўтди.

«Al Intiaz Investment Group» гуруҳи 2005 йилда ташкил этилган бўлиб активларни бошқариш, кўчмас мулк, соғлиқни сақлаш, саноат ва молия соҳаларига сармоя киритишга ихтисослашган.

Кувайт компаниясининг озик-овқат етиштириш, фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шунингдек, кўчмас мулк объектиларини қуриш бўйича ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Kuwait Investment Company» компанияси бош ижрочи директори Фавоз ал-Ахмадни қабул қилди.

Асосий акциядори Кувайт инвестиция агентлиги бўлган компания 1961 йилда ташкил этилган. Активларни бошқариш, инвестицион банкинг, хусусий бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш билан шуғулланади.

Таълим, инфратузилма, агросаноат, сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш соҳаларида қўшма лойи-

ҳаларни амалга ошириш қўллаб-қувватланди.

Давлатимиз раҳбари «Gulf Care General Trading» компанияси раҳбари доктор Иад ас-Салихни қабул қилди.

2001 йилда ташкил этилган компания Кўрфаз минтақасида тиббий ускуналарнинг энг йирик етказиб берувчиларидан бири бўлиб, Кувайтдаги хусусий тиббиёт муассасаларининг кенг тармоғи эгасидир.

Мамлакатимиз етакчилиги касалликларни барвақт аниқлаш соҳасидаги шериклик ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. Компаниянинг мамлакатимиз ҳудудларида тиббий хизмат кўрсатиш ва фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги режалари қўллаб-қувватланди.

Ташриф дастурига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ал-Кувайт шаҳридаги «Ас-Салом» сарой-музейига ташриф буюрди.

Сарой 1960 — 1964 йилларда ўзига хос араб меъморчилиги услубида бунёд этилган ва 1990 йилгача Кувайтга ташриф буюрган хорижий раҳбарлар учун расмий қароргоҳ бўлиб хизмат қилган.

2019 йилда саройда музей очилган бўлиб, унда 32 минг квадрат метр майдонда Кувайтнинг кўп асрлик тарихи ва маданиятини акс эттирувчи ноёб экспонатлар намойиш этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари музей экспозицияси билан танишиб, унинг меъморий концепцияси ва замонавий инфратузилмасини юқори баҳолади.

Ўзбекистон билан Кувайт маданий алоқаларини янада яқинлаштириш, хусусан, музей иши ва тарихий меросни асраш соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш, қўшма гуманитар дастурларни амалга ошириш ва ўзаро кўргазмалар ташкил этиш муҳимлиги қайд этилди.

Яқунда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев музейнинг Фахрий меҳмонлар китобида дастхат ёзиб қолдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Кувайт Давлатига расмий ташрифи давом этмоқда.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ЯҚИН ШАРҚДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Кувайтга расмий ташрифи муносабати билан ушбу мамлакат оммавий ахборот воситаларида юртимиз салоҳияти, иқтисодий ва сиёсий имкониятлари, икки давлатнинг барча соҳадаги ҳамкорлиги юзасидан мақолалар чоп этилмоқда.

Дунё нигоҳи

Инглиз тилида нашр қилинадиган «**The Times Kuwait**» бош ҳафталик англияликлар журналининг 2025 йил 16 — 22 февраль кунларига мўлжалланган сонининг тўртта саҳифасида Ўзбекистон ва унинг Кувайт давлати билан алоқаларига бағишланган мақолаларни ўқиш мумкин. Масалан, мамлакатимизнинг Кувайтдаги Факулдада ва мухтор элчиси Аюбхон Юнусовнинг «Кувайт ишончли дўст, Ўзбекистоннинг синовдан ўтган шериги» (**Kuwait a reliable friend, trusted partner**

of Uzbekistan) номли мақоласида икки мамлакатнинг ҳамкорлиги сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилаётгани, сиёсий, савдо-иқтисодий, илм-фан, сармоя ва бошқа йўналишлардаги алоқалари ҳақида сўз боради.

Мақолада айтилишича, Кувайт Ўзбекистоннинг Яқин Шарқдаги ишончли дўсти ва ҳамкори ҳисобланиб, 1991 йил 30 декабрда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган. Ўшандан буюн икки давлат ўртасидаги дўстона муносабатлар тинчлик, иқтисодий тараққиёт ва икки халқнинг фаровонлиққа интилишидаги муштараклигига асосланади. ➡3

ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЎРФАЗДАГИ ИШОНЧЛИ ШЕРИГИ

Ташқи сиёсати йилдан-йилга фаоллашиб бораётган мамлакатимизнинг шериклик географияси кенгаймоқда. Бунда араб мамлакатларига ҳам алоҳида ўрин ажратилдики, улардан бири энергия захираларига бой, Яқин Шарқ ва Кўрфазнинг қудратли иқтисодий салоҳиятли давлати — Кувайт.

Нуктаи назар

Бу давлат Ўзбекистоннинг Яқин Шарқдаги ишончли дўсти ҳамда ҳамкори. Маданий, тарихий ва диний қадриятлар, урф-одат ва аъёналар икки давлат ўртасидаги алоқаларни жадаллаштиришда табиий катализатор вазифасини ўтамоқда. 2020 йилдан буюн қарийб етти баробар ўсган товар айланмасининг асосий йўналишларини хизматлар, минерал ёқилги, озик-овқат ва кимё маҳсулотлари ташкил этади.

Тахлиллар ўзаро маҳсулотлар етказиб бериш, қўшма корхоналар очиш, йирик минтақавий бозорларга чиқиш учун имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш зарурлигини кўрсатмоқда. Шу маънода, 2024 йилнинг май ва август ойларида у ерда иккита бизнес-форум ҳамда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси уюштирилди. Ўз навбатида, юртимизда Кувайт бизнес делегацияси иштирокида бизнес-форум ўтказилди.

Таъкидлаш керакки, икки давлатнинг ташқи сиёсат концепциялари бир-бирига ўхшаш. ➡3

МАМЛАКАТИМИЗ ЭРИШГАН ЮТУҚЛАР ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қароргоҳида БМТ Бош Ассамблеяси ва Парламентлараро Иттифок (ПИ) ассамблеяси раислари томонидан ташкил этилган «Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда ҳаракатлар қўламини кенгайтириш» мавзусидаги йиллик парламент эшитувлари бўлиб ўтди.

Эътироф

Форумда 60 дан ортиқ давлатлардан парламент спикерлари, қонун чиқарувчи органлар аъзолари, маслаҳатчи ва экспертлар, аъзо давлатларнинг БМТдаги доимий вакиллари иштирок этди.

Унда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштириш, зарур ресурслар ва воситаларни сафарбар этишда БМТ ва ПИ ўртасидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. ➡2

Олий Мажлис Сенатида

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ — ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ АСОСИ



Олий Мажлис Сенатида Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Миллий кенгаш ва унинг ҳудудий кенгашлари аъзолари, вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари раҳбар ҳамда ходимлари иштирок этган тadbирни Олий Мажлис Сенати Раиси, Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Мажлисида мамлакатимизда коррупцияга оид жиноятлар 12 фоиз камайгани, халқаро рейтингларда мамлакатимиз ўрни яхшиллангани таъкидланди. Утган давр мобайнида соҳага оид ўнга яқин қонунлар, жумладан, “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, 2024 йил 6 декабрдан кучга киргани айтиб ўтилди.

Жараёнда таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида коррупцияга қарши курашиш ишлариغا эътибор қаратилди. Тегишлилиги бўйича Мактабчага ва мактаб таълими, Олий таълим,

фан ва инновациялар ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликларининг ахборотлари эшитилди.

Иштирокчилар томонидан мазкур соҳаларда коррупциявий омилларни бартараф этиш, тизимда шаффофлик, адолат, хизмат сифатини ошириш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш борасида қатор амалий чоралар қўрилаётганига қарамадан коррупциявий хатти-харакатлар сақланиб қолаётгани таниқд қилинди.

Мажлисида Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган давлат дастурининг, аҳоли ва

давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимини узлуқсиз ошириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирларининг ижро ҳолати кўриб чиқилди.

Шундан сўнг иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг 2025 йил биринчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режаси лойиҳаси ҳамда Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари таркибини тасдиқлаш масаласига эътибор қаратди.

«Халқ сўзи».

МАМЛАКАТИМИЗ ЭРИШГАН ЮТУҚЛАР ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

Мамлакатимизнинг БМТдаги доимий вакили, элчи Улугбек Лапасов Ўзбекистонда Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш, қатъий парламент назоратини таъминлаш борасидаги кенг кўламли чора-тадбирлар ҳақида сўзлади.

Элчи Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-йубилей ассамблеяси ҳақида батафсил маълумот берди. Минтақамизда биринчи марта ПИнинг бундай нуфузли тadbири ташкил этилиши Ўзбекистоннинг глобал мақсадларни амалга ошириш борасидаги сайй-харакатлари халқаро миқёсда эътироф топонгидан далолатдир. Вақилимиз барча парламент аъзоларини ушбу муҳим тadbбирда фаол қатнашишга чақирди.

Ўзбекистон миллий, минтақавий ва халқаро миқёсда Барқарор ривожланиш мақсадларини бажаришда қонун чиқарувчиларнинг иштирокини кучайтиришнинг фаол тарафдорларидан бири экани таъкидланди. БМТ БШО Ассамблеяси 2022 йили Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев та-



шаббуси билан ва дунёнинг барча минтақасидан 80 дан ортиқ давлатлар ҳаммуаллифлигида “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги резолюцияни қабул қилганди.

Иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси ва Қонунчилик палатаси Спикери бошчилигидаги Барқарор ривожланиш мақсадлари ижросини назорат қилиш, давлат органларининг ҳисоботларини тинглаш бўйича Парламент

комиссияси фаолияти билан таниқилгани. “Йўл харитаси” қабул қилингани, улкан ресурслар сафарбар этилгани урғуланди.

Парламент аъзолари Ўзбекистон Президенти раҳнаомлигида юртимизда Барқарор ривожланиш мақсадларини ҳаётга татбиқ этиш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, халқ билан фаол мулоқотни мамнуният билан эътироф қилди.

«Дунё» АА. Нъю-Йорк

РАВОН ЙЎЛЛАР МАНЗИЛНИ ЯҚИН ҚИЛАДИ

Олий Мажлис Сенатининг 2025 йилга мўлжалланган иш режасига мувофиқ сифатсиз йўл қурилишининг олдини олиш мақсадида парламент назоратини кучайтириш юзасидан ўрганиш ишлари олиб борилмоқда.

Ўрганиш

Шу муносабат билан Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ. Бурҳонов бошчилигидаги ишчи гуруҳ аъзолари Хоразм вилоятига хизмат сафари уюштирди. Маҳаллий йўлларнинг ҳолати Автомобиль йўллари қўмитаси, тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорликда ўрганилмоқда.

Ишчи гуруҳ аъзолари темир йўл вокзали ҳудудида жойлашган Хива компрессор станциясига туташ 3 километрик ер ости автомобиль йўлпўтказигини қурилиш жараёни билан танишди. Олиб борилаётган ишлар юзасидан тегишли тавсиялар берилиб, қурилиш сифати

устидан қатъий назорат ўрнатиш муҳимлиги таъкидланди.

Урганч туманидаги асфальт-бетон ишлаб чиқариш цехи ва унинг қошидаги асфальт синов лабораториясининг фаолияти ҳам ўрганилди. Мутахассислар томонидан асфальт-бетон қўпламасининг мустаҳкамлиги, зичлиги ва бошқа техник кўрсаткичлари текширилди.

Сенатор бу ерда соҳада учраётган муаммоларни ўрганиб, ҳал этиш юзасидан таклифларини билдирди. Асфальт-бетон ишлаб чиқариш ва йўл қурилиш жараёнларини янада такомиллаштириш, ишларни белгиланган стандартлар асосида ташкил қилиш ҳамда назоратни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

«Халқ сўзи».

ВАКОЛАТ ВА МАСЪУЛИЯТ

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш ва жамоатчилик бошқарувини такомиллаштириш бўйича ислохотларда марказий эътибор маҳаллаларга қаратилган.

Муносабат

Давлатимиз раҳбари томонидан шу йил 11 февраль кунини имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун ҳам стратегия доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳукуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган.

Маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ролини мустаҳкамлаш, тизимини босқичма-босқич ривожлантириш, молиявий имкониятларини кенгайтириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Қўшимча куч ва имкониятлар тақдим этилиб, ваколат ҳам, масъулият ҳам қуйи тизимга ту-

ширилмоқда. Натижада маҳалла ҳар бир оила ва инсон муаммоси, дарду ташвишига ҳалқур кириб бора оладиган ҳалқчил тузилма сифатида янада фаоллашади.

“Маҳалла еттилиги” ҳар бир вакилининг маҳаллани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, соғлом маънавий муҳитни таъминлашга доир ваъзфалари белгиланди. “Темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари”, Бандликка қўмаклашиш ва Аҳолини тadbиркорликка жалб қилиш жамгармалари орқали қурилатилган ердاملарни “маҳалла еттилиги”нинг коллежал қарори асосида амалга ошириш йўлга қўйилди.

Маҳалла раисига “еттилик” аъзоларининг ишга келиши ва кетиши давоматини (табелини) юритиш, асосий самарадорлик кўрсаткичлари (КР) бўйича баҳо бериш, ҳар ойда камиди 10 тадан муаммоли масалаларни ҳал этишини назорат қилиш, ҳар ҳафтада уларнинг ҳисоботини эшитиш каби вазифалар бери-

рилди. Маблағларни аҳолининг овозига кўра инфратузилма лойиҳаларига йўналтириш амалиёти жорий қилиниб, унинг миқдорини 3 баробарга кўпайтириш, юздан ортиқ давлат хизматларини “бир қадам”да қўрсатишни йўлга қўйиш ишлари аллақачон бошланган.

Мазкур қонун билан “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ва “Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида маҳалла раисини сайлаш мuddати 3 йилдан 5 йилга ўзгартирилди. “Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида”ги Қонунда

“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашлари” сўзлари “маҳаллани кўллаб-қувватлаш кенгашлари” сўзларига ўзгартирилди.

Муҳим ўзгартиришлардан яна бири — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши ваколатида бўлган фуқаролар йиғини раиси сайловини ўтказиш мuddатлари ва тартибини белгилаш нормаси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ваколатига, Республика қўмаклашувчи комиссияларининг ваколатлари вилоят қўмаклашувчи комиссияга ўтказилди.

Қонуннинг ҳаётга таътиқ этилиши фуқаролар йиғини сайловини ташкил қилиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга, тайёргарлик тadbирларини ўтказиш мuddатлари ва тартибини белгилловчи ваколатлар номарказлаштирилишига, фуқаролар йиғинлари раисларининг билим ва қобилиятларини тўлиқ намоён этишларига хизмат қилади.

Зумрад БЕКАТОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Сиёсий партиялар фракцияларида

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА МОС ВА ҲАМОҲАНГ

Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор масалалар, жумладан, интеллектуал мулк ҳимоясини кучайтириш, низоларни муқобил ҳал этишда медиация институтини ривожлантириш, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.



биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда интеллектуал мулк объектиларига бўлган ҳуқуқларнинг ҳимояси борасида кўплаб амалий ишлар бажарилаётган бўлишига қарамай, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар сони камаймаяпти. Охириги беш йилда интеллектуал мулкнинг тadbиркорлик фаолиятидаги фойдаланиш кўламининг ортиши натижасида бу борадаги ҳуқуқбузарликлар сони кескин ошиб бормоқда. Хусусан, 2020 йилда 54 та қонунбузилиш ҳолати аниқланган бўлса, ушбу кўрсаткич 2021 йилда 287 та, 2022 йилда 380 та, 2023 йилга келиб эса 886 тани ташкил қилган. Ҳуқуқбузарликларнинг 50 фоизидан ортиғи ўзганинг товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш натижасида содир этилган. Бунинг асосий сабаби интеллектуал мулк ҳуқуқини бузганлик учун белгиланган жавобгарлиқнинг енгиллигидир.

Ушбу қонун лойиҳаси билан тегишли кодекслардаги муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ жавобгарлик чоралари янада кучайтирилмоқда. Шунингдек, контрафакт маҳсулотларини олиб қўйиш ва йўқ қилиш тартибини жорий этиш бўйича ваколатли давлат органи белгиланяпти.

Мунозаралар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятига алоҳида тўхталиб, унда назарда тутилаётган айрим меъёрлар бўйича ўз фикр-мулохазалари, таклиф ва тавсияларини билдирди. Лойиҳани такомиллаштириш бўйича берилган қатор таклифлар эътиборга олинди ва улар асосида ҳужжат матни янада такомиллаштирилди.

Депутатлар ушбу қонун лойиҳаси жамиятда интеллектуал мулк ҳуқуқига бўлган ҳурмат ҳиссини шакллантириш ва интеллектуал мулк эгаларининг моддий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган эътиборга олиб, уни кўллаб-қувватлашди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида Президентимиз раислигида олимпия ва паралимпия ҳаракати, итхиссослаштирилган ва оммавий спортни янги босқичга олиб чиқиш ҳамда аҳолининг жисмоний фаоллигини ошириш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишининг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Депутатлар иктидорли ёшлар топиши, олимпия спорт турларига тайёрлаш, уларни ва мураббийларини рағбатлантириш бўйича янги тизим йўлга қўйилишини алоҳида эътироф этиб, давлатимиз раҳбари томонидан бу бора-

да илгари сурилган қатор ташаббусларни кўллаб-қувватлашди.

Йиғилишда спортчиларни топиш, саралаш ва тайёрлаш жараёнига рақамлаштиришни кенг жорий қилиш, адолатни таъминлаб, қобилиятли ёшларни юзага чиқариш бўйича берилган кўрсатмалардан келиб чиқиб, “Адолат” СДП ва унинг парламентдаги фракцияси олдида турган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Шундан сўнг депутатлар суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини рақамлаштириш ҳамда ижро иши юритиш самарадорлигини янада оширишга қаратилган қонун лойиҳасини муҳокама қилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан фуқаролардан қарздорликлари учун ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган энг кам кафолатланган даромадни ўрнатиш, ижро ҳужжатлари бўйича қарздорнинг хатланган мулкни бошланғич нархдан ўттиз фоизлик чегирма билан сотиш, шунингдек, давлат ижрочилари томонидан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ мажбурий ижро ҳаракатларини амалга оширишда мобил видеокузатув воситаларидан фойдаланишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда инсон омилининг камайишига, одил судлов самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунга пенсия олиш ёшига тўлган (эркаклар 60 ёш, аёллар 55 ёш) фуқароларга ёшга доир пенсияларнинг алоҳида муножаатини талаб этмаган ҳолда проактив шаклда тайинлаш тартибини белгилашга оид ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига барча нафақаларни тайинлаш ва тўлаш Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ваколатига ўтказилгани муносабати билан “Давлат божи тўғрисида”ги ва “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонунларга ҳам ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳаси билан қатор енгилликлар берилаётгани, ортиқча оворагарчиликларнинг олди олинаётганини таъкидлаб, уни кўллаб-қувватлашди.

Йиғилишда аҳолига кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмига киритилган хизматларни кўр-

сатиш, шунингдек, тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг касбий фаолиятини амалга ошириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Муҳокама чоғида ЎзХДП фракцияси раҳбари Улугбек Иноятлов мазкур қонун лойиҳаси билан мос равишда “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги, “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги қонунларга киритилиши кўзда тутилган ўзгартириш ва қўшимчалар Конституция ва бошқа меъёрий ҳужжатларда акс эттирилган инсон ҳуқуқларига зид келмаслигини таъкидлади. Соҳа вакиллари ўртасида қонун лойиҳасининг асл мақсадини тўғри тушунириш лозимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида интеллектуал мулк ҳимоясини кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда интеллектуал мулк соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, ўз навбатида, мавжуд қонунчиликни янада такомиллаштириш, интеллектуал мулк объектиларидан фойдаланишдаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлиқни қатъийлаштириш ва уни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиришни тақозо қилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Жиноят, Жиноят-процессуал, Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Фуқаролик кодексларидаги муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни, шунингдек, саноат мулкни объектиларига бўлган ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарлиқни кучайтиришни назарда тутувчи тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилляпти. Хусусан, интеллектуал мулк объектиларига доир шахсий номулккий ҳуқуқларни бузганлик учун назарда тутилган жавобгарлик чоралари кучайтирилмоқда ҳамда бундай объектиларга оид мулккий ҳуқуқларни бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланмоқда. Бундан ташқари лойиҳа билан интеллектуал мулк соҳасидаги маъмурий жавобгарлик чораларини янада кучайтириш, контрафакт маҳсулотларини олиб қўйиш ва йўқ қилиш тартибини жорий этиш бўйича ваколатли давлат органини белгилаш кўзда тутилган.

Йиғилишда қонун лойиҳасидаги қатор меъёрлар юзасидан фикр-мулохазалар билдирилди. Хусусан, фракция аъзоси Бахтиёр Пўлатов лойиҳада патентланган селекция ютуғини рухсатсиз фойдаланган ҳолда яратилган маҳсулотни сотишга таклиф қилиш, сотиш, олиб қилиш, олиб чиқиш ва бошқача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш ёки сақлаш учун жавобгарлик чораларини белгилаш бугунги кун талаби эканлигини қайд этган ҳолда мазкур норма юзасидан таклиф ва тавсияларини айтиб ўтди. Муҳокама сўнггида қонун лойиҳаси кўллаб-қувватланди.

Йиғилишларда фракциялар фаолиятига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

КЕЛАЖАК УЧУН САРМОЯ

Давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан самимий мулоқот қилиши йигит-қизларимизнинг келажакка ва ўзига бўлган ишончини яна бир қарра оширди, десак, асло янглишмаймиз. Зеро, очик ва самимий руҳда ўтган учрашувда ҳеч бир жихат эътибордан четда қолмади.

Фикр

Учрашувда Президентимиз ёшлар тadbиркорлигини кўллаб-қувватлашга қаратилган 3 та муҳим ҳужжат имзолаганини маълум қилди. Йигит-қизларнинг тadbиркорлик фаолиятини бошлаши, бандлигини таъминлаш учун 400 миллион доллар ажратилиши белгиланди.

Шунингдек, Ёшлар тadbиркорлигини ривожлантириш жамгармаси ташкил қилиниб, 100 миллион доллари ажратилиши аниқ мuddао бўлди. Энди тadbиркор ёшларга 2,5 миллиард сўмгача имтиёзли кредитлар берилади, ташаббускор ёшларнинг стартап лойиҳаларига 2 миллиард сўмгача инвестиция киритилади. Мазкур янгиликлар ёшларни фаолликка

чорлагани, ҳаракатга келтиргани рост. Сабаби, бу — тadbиркорлиқни бошлаш истағида юрган минг-минглаб ёшларнинг аини дилидаги гап бўлди ва ўз бизнесини бошламоқчи бўлганлар учун катта имконият дегани.

Яна бир муҳим янгилик — “Алоқабанк” расман ёшлар банкига айлантирилмоқда. Ушбу банк орқали ўзини ўзи банд қилган ёшлар 100 миллион сўмгача 7 йил мuddатга имтиёзли микроқарз олиши мумкин. Асосийси, 20 нафар ёшни иш билан таъминлаган тadbиркорга 5 миллиард сўмгача имтиёзли кредит берилади. Бу ҳам уларга янги имконият ва рағбат демакдир.

Кўпчилик ёшлар олий ўқув юртини тамомлаганидан сўнг иш топишда айрим қийинчиликларга дуч келади. Энди бу масала ҳам ечим то-

падиган бўлди. Яъни олийоҳ битирувчилари учун янги тизим жорий қилиняпти. Миллий банкка 100 миллион доллар ресурс ажратилиб, у битирувчи ёшларни иш билан таъминлашга масъул бўлади.

Бундан ташқари, қишлоқ ёшлари учун имкониятлар ҳам ўз эшигини очмоқда. Ер билан тиллаша оладиган ёшлар учун ўтган йили 56 минг гектар ер ажратилган бўлса, бу йил Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Фарғона ва Тошкент вилоятларида буш турган 3 300 гектар ер янгича тартибда ижарага берилади.

Умуман, бу каби кенг имкониятлар, яратилаётган зарур шaroитлар ёшларни янги марралар сари руҳлантириб, ўз соҳаси бўйича иш топиш учун қучли туртки беради. Зотан, кўпчиликда гоё бор, лекин маблағ йўқ эди. Энди эса шартлар бор, йўналиш бор, фақат ҳаракат қилиш қолди холос.

Отабек МУСУРМОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ЯҚИН ШАРҚДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОР



Давлатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш, маданият ҳамда санъат соҳасидаги алоқалар, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш, Ўзбекистон ва Кувайт давлат божхона кўмиталари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматларга битимлар ташкил этилиши.

“Икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар 1994 йил июль ойида ўрнатилган бўлиб, 2001 йилда Тошкент шаҳрида Кувайт Давлатининг элчихонаси, 2004 йил ноябрь ойида эса Ал-Кувайтда Ўзбекистон Республикасининг элчихонаси очилди. Бугунги кунга қадар икки марта — 2004 йилда Кувайтга ва 2008 йилда Ўзбекистонга олиқ даражадаги таширфлар амалга оширилди, — дейди элчи А. Юнусов ўз мақоласида. — Масофа узоқ бўлишига қарамай, икки давлат савдо-сармоявий шериклик ва саноат кооперациясини кенгайтириш учун салмоқли салоҳиятга эга. Таҳлиллар ўзаро махсулотлар етказиб бериш, қўшма корхоналар ташкил этиш, йирик минтақавий бозорларга чиқиш учун имкониятлардан тўлқин фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади. Яқин орада Ўзбекистон ва Кувайт етакчи тадбиркорларининг учрашуви бўлиб ўтиши кутилмоқда, бу эса янги савдо шартномалари ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш фурсати яқинлигини намойиш этади”.

Назардан Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтининг етакчи илмий ходими Азиз Каримовнинг **“Ўзбекистон ва Кувайт: ўзаро манфаатли ҳамкорлик сари” (Uzbekistan and Kuwait: Towards Mutually Beneficial Cooperation)** номли мақоласи ҳам ўрин олган. “Сўнгги йилларда янгиланган ташқи сиёсат концепцияси доирасида

Ўзбекистоннинг анъанавий ҳамкорлари билан ташқи алоқалари мустаҳкамланиб, халқаро ташкилотлардаги иштироки фаоллашмоқда, шериклик географияси кенгаймоқда, — дейилади мақолада. — Бу тенденция Ўзбекистоннинг Кўрфаз давлатлари билан муносабатларини янги босқичга кўтариш борасидаги саъй-ҳаракатларида, айниқса, яққол намоён бўлган. Маскур минтақа давлатлари билан муносабатлар ҳам кўп томонлама, ҳам икки томонлама асосда ривожланиб бораётгани айтилган. “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши стратегик мулоқоти”нинг ташкил этилиши ва 2023 йилда ушбу форматдаги биринчи олий даражадаги саммитнинг муваффақиятли ўтказилиши фикримизни яққол тасдиқлайди. Ўзбекистон минтақа давлатлари билан икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш бораборида Кувайт омилига ҳам устувор эътибор қаратмоқда. Сўнгги пайтларда Ўзбекистон Кувайт билан сиёсий мулоқотни фаоллаштирди. 2024 йил апрель ойида Кувайт ташқи ишлар вазирлиги Абдулла ал-Яхё Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган эди. Биргина 2024 йилнинг ўзида икки давлат ташқи ишлар вазирлари ўртасида беш маротаба музокаралар бўлиб ўтди. Иқтисодиёт идоралари ва ишбилармон доиралар ўртасидаги мулоқот ҳам фаоллашди”.

“Шуни таъкидлаш керакки, — дейди муаллиф, — барча йўналишдаги муносабатларнинг фаоллашиши бежиз эмас. Кувайт Ўзбекистон учун ҳар томонлама фойдали ҳамкор ҳисобланади. Бу бир неча омилларга боғлиқ. Хусусан, икки давлатнинг ташқи сиёсат концепциялари жуда ўхшаш. Ўзбекистон ҳам, Кувайт ҳам ўз ривожланиш истиқболларини ўз минтақаларидаги давлатлар билан яқин алоқада кўради. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг яқинлиги ва барқарорлигида ҳал қилувчи роль ўйнаганидек, Кувайт Кўрфаз давлатлари ўртасидаги минтақавий ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Яна бир эътиборга лойиқ омил — бу икки

давлатнинг иқтисодий аҳамияти. Ўзбекистон иқтисодиёти бўйича Марказий Осиёдаги салоҳиятли давлат бўлса, Кувайт глобал ва Яқин Шарқ иқтисодиёти учун катта аҳамиятга эга бўлган мамлакатдир”.

Мақолада Ўзбекистон ва Кувайтнинг савдо-сотиқ, инвестиция, туризм, қишлоқ ҳўжалиги, рақамли технологиялар, таълим ва бошқа йўналишлардаги манфаатли шериклигини ривожлантириш мумкин бўлган соҳалар ҳам кўрсатиб ўтилган ва чуқур таҳлил қилинган.

Кувайтнинг нуфузли журналида Ўзбекистон Республикаси маданияти вазири Озодбек Назарбековнинг

новнинг “Ўзбекистон “ақлли” шаҳарни режалаштириш ва ҳудудий ривожланиш соҳасида янги марраларни ишғол этмоқда” (**Uzbekistan conquering new frontiers in the field of Smart City Planning And Territorial Development**) номли мақоласига ҳам ўрин ажратилган. “Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси билан Кувайт ўртасидаги таълим ва илмий-техникавий ҳамкорлик йил сайин мустаҳкамланиб, янги йўналишларда кенгаймоқда. Араб тили ва адабиёти, исломшунослик, тиббиёт, туризм ва иқтисодиёт каби анъанавий йўналишлар билан бир қаторда, “ақлли шаҳар”

лиллари натижасида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини кучайтиришга қаратилган юзлаб тақлифлар ишлаб чиқилди. Худудларни ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон Кувайт билан ҳамкорлик тажрибасига асосланган қатор лойиҳалар устида ишламоқда. Кувайт, асосан, рақамли технологиялар ва “яшил” инфратузилмани интеграциялашга қаратилган бир нечта йирик “ақлли шаҳар” лойиҳаларини амалга оширди. “Ақлли” шаҳарлар кўпичина энергия тежайдиган тизимлар, қуёш панеллари ва энергия тежовчи қурилмаларга таянади. Шу сабабли Кувайтда қайта тикланадиган энергия манбаларидан, хусусан, қуёш энергиясидан самарали фойдаланиш борасида катта ишлар бажарилди. Бугунги кунда шаҳарларнинг хавфсизлиги, экологик барқарорлиги ва самарадорлиги одамларнинг фаровон ҳаёти учун энг муҳим омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Шу боис Ўзбекистонда “Ақлли шаҳар” концепцияси ишлаб чиқилиб, лойиҳани амалга ошириш бўйича тажрибалар олиб борилмоқда”.

Муаллифнинг таъкидлашича, мазкур лойиҳалар орқали транспорт ва логистика муаммоларини ечиш, сунъий интеллект орқали йўлларни бошқариш ва тирбандлигини камайтириш, жамоат транспорти самарадорлигини кўтариш мумкин. Бундан ташқари, жинс-теңгарчилик олдини олишда “ақлли” видеокузатув камералари, таҳлилий дастурлар ва сунъий интеллект муҳим ўрин тутди. Шунингдек, атроф-муҳитни, яъни ҳаво сифатини назорат қилиш, чиқиндиларни қайта ишлаш ва энергия самарадорлиги соҳаларини ривожлантириш мумкин”.

Муаллифларнинг умумий эътирофига кўра, барча соҳадаги ҳамкорликни чуқурлаштириш ва уни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришда давлатимиз раҳбарининг Кувайтга амалга оширган таширфидомида имзоландиган ҳужжатлар муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон ва Кувайт ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий, маданий-гуманитар ҳамкорлик ҳар қилиб давлатнинг барқарор ривожланишини таъминлашда янги қадам бўлади.

А. СОЙИБНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи») таяёрлади.



Kuwait a reliable friend, trusted partner of Uzbekistan

Diplomatic relations between the two countries were established in July 1994. In 2001, the Embassy of the State of Kuwait was opened in Tashkent, and in November 2004, the Embassy of the Republic of Uzbekistan was opened in Kuwait. To date, there have been two high-level visits — in 2004 to Kuwait and in 2008 to Uzbekistan.

“Ўзбекистон ва Кувайт давлати ўртасидаги дипломатик муносабатлар янги босқичга кўтарилмоқда” (Diplomatic Relations Between Uzbekistan and the State of Kuwait Are Reaching a New Level) номли мақоласи чоп этилган. Унда Кувайт билан маданий ҳамкорлиқнинг бугунги ҳолати ва динамикаси таҳлил қилинади, кувайтлик маданият ва санъат намоёндаларининг юртимизда ўтказилган турли фестиваллар, маданий тадбирлар, форумларда иштироки ҳақида сўз боради. “Икки томонлама ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш, ўзбек маданияти ва санъатини Кувайт халқига таништириш мақсадида 2025 йил Кувайтда “Ўзбекистон маданияти кўналари”ни ташкил этиш режалаштирилган. Бундан ташқари, маданий туризмни ривожлантириш, икки мамлакат маданият ва санъат муассасалари ўртасида қўшма таълим дастурларини амалга ошириш бўйича амалий қадамлар қўйилади,” дейди муаллиф.

“The Times Kuwait” журналида Тошкент архитектура-қурилиш университети ректори Баҳром Тўлагач

лойиҳаларини амалга оширишда икки давлат ўртасида ҳамкорлик фаол йўлга қўйилмоқда, — дейди Б. Тўлаганов. — Бу нафақат таълим ва фан, балки инновация ва технология соҳасида ҳам янги имкониятлар ашигини очаяпти. Кувайтнинг етакчи ишлаб чиқарувчилари иштирокда Ўзбекистонда замонавий илмий-техник мажмуалар, бизнес-инкубаторлар ва стартап акселераторларни биргаликда яратиш бўйича кенг кўламли лойиҳаларни амалга ошириш инновацион ғоялар, ихтиролар ва технологияларни ривожлантириш ҳамда тижоратлаштиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Мазкур ташаббуслар илмий изланишлар самарадорлигини ошириш, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, иқтисодиётнинг стратегик тармоқларида илгор технологияларга ўтишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда илм-фаннинг ўрни бекиб бўлиб, бу жараёнда “Ақлли шаҳар” концепциясини ҳаётга татбиқ қилиш стратегик аҳамиятга эга. Жорий йилда амалга оширилган тадқиқот ва таҳ-

ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЎРФАЗДАГИ ИШОНЧЛИ ШЕРИГИ

Ўзбекистон ҳам, Кувайт ҳам ўз ривожланиш истиқболларини минтақаларидаги давлатлар билан яқин алоқада кўради. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг яқинлиги ва барқарорлигида ҳал қилувчи роль ўйнаганидек, Кувайт Кўрфаз давлатлари ўртасидаги минтақавий ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Яна бир муҳим жиҳати, мамлакатларимиз халқаро ташкилотлардаги иштироки доирасида умумий ёндашуларга эга. Масалан, Ўзбекистон ва Кувайт БМТ, Ислмо ҳамкорлик ташкилоти йиғинларида ўхшаш фикр ҳамда тақлифларни илгари сураётди. Ҳар икки давлат халқаро хавфсизлик муаммоларини ҳал этиш, барқарор ва инклюзив ривожланишга қўмаклашиш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни ёқлайди. Ўзбекистон ҳам, Кувайт ҳам иқтисодий ривожланиш стратегияларини белгилаб олиш билан бирга, иқтисодиётни модернизация ҳамда диверсификация қилишни ўз ичига кўн тартибининг марказига қўйган. Бу мақсадлар “Янги Ўзбекистон — 2030” ва “Нитгоҳ — 2035” стратегияларида ўз ифодасини топган.

Марказий Осиё ҳақон иқтисодиётининг янги моделида ўз мавқеини мустаҳкамлаб, Шарқ ҳамда Ғарбни боғловчи анъанавий транспорт йўлаги сифатидаги ролин тиклаётганини аналтади.

Кувайтнинг жойлашуви ҳам минтақавий, ҳам глобал миқёсда стратегик аҳамиятга эга.

кинчи, дунёда эса олтинчи ўринда. Узининг бой ресурслари тўғрйли жон бошига тўғри келадиган иқтисодиёти бўйича дунёда энг йирик давлатлардан бири.

Шу нуктаи назардан, ҳамкорлиқнинг бир қанча йўналишлари Ўзбекистон ва Кувайт учун, айниқса, фойдали

инсонни қизиқтирмай қолмайди, албатта. Гуманитар йўналишда мамлакатларимизда миллий маданият ҳафаликла-рини, маданий мерос кўргазмалари ташкил этилиши ҳам халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон рақамли иқтисодиётга ўтишга катта куч ва маблағ сарфлаган давлат. Худди шундай Кувайт ҳам. Унинг АКТ бозори 22 млрд. доллардан ошди, Ўзбекистоннинг рақамли иқтисодиёти эса қарийб 4,5 млрд. долларга баҳоланмоқда. Шу боис Кувайтнинг рақамли инфратузилмани иқтисодиётга муваффақиятли интеграциялаш борасидаги бой тажрибаси биз учун аини муддао. Бу “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг устувор мақсадларига ҳамоҳангдир.

Худудларни ривожлантириш борасида ҳам Ўзбекистон Кувайт билан ҳамкорлик тажрибасига асосланган қатор лойиҳалар устида ишламоқда. Кувайт, асосан, рақамли технологиялар ва “яшил” инфратузилмани интеграциялашга қаратилган бир нечта йирик “ақлли шаҳар” лойиҳаларини амалга оширди. “Ақлли” шаҳарлар кўпичина энергия тежайдиган тизимлар, қуёш панеллари ва энергия тежовчи қурилмаларга таянади. Шу боис Ўзбекистонда “Ақлли шаҳар” концепцияси ишлаб чиқилиб, лойиҳа ижроси бўйича тажрибалар олиб борилляпти. Зотан, урбанизация билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш, экологик вазиятни яхшилаш ва хавфсизлигини таъминлашда “ақлли” технологиялар муҳим ўрин тутди.

Таъкид шуки, Марказий Осиё минтақасига бошқа давлатлар қатори араб мамлакатларининг қизиқиши кучайган, у бозор қонуниятлари асосида соғлом ҳамкорлик доирасида кенгайиб бориши мукярар. Ўзбекистон Президентининг Кувайтга таширфи давомида ёришлаладиган битимлар, келишув ва ахднономлар ҳар икки давлат ва минтақаларимизнинг иқтисодий имкониятлари кенгайишига, халқларимизнинг фаровонлиги ошишига хизмат қилади.

Муҳиддин ПЎЛАТОВ,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Иқтисодий тараққиётнинг замонавий архитектураси

Иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга Ўзбекистон ва Кувайт бирдек қизиқиш билдирыпти. Бу икки давлатнинг халқаро ва минтақавий молиявий-географик аҳамияти ва стратегик мақсадлари билан ҳамбарчас боғлиқ.

Ўзбекистон Марказий Осиёда стратегик муҳим география ўринини эгаллайди, чунки у минтақадagi мамлакатлар билан чегарадош бўлган ёгона давлат. Ўзбекистон, шу билан бирга, Евроосиё бозорларига чиқиш дарвозаси. Бундан ташқари, мамлакатимиз асосий халқаро қуруқлик йўллари чорраҳасида жойлашган. Бу Ўзбекистон ва бутун

эга. У денгиз савдо йўллари чорраҳасида, Яқин Шарқ минтақасининг марказида жойлашган. Юқоридagi омиллар Ўзбекистон ва Кувайт ўртасидаги саноат ҳамкорлиги ҳар икки давлатга учинчи мамлакат бозорларига чиқиш учун қулай имкониятлар яратишдан далолат беради.

Яна бир эътиборга лойиқ омил, Ўзбекистон иқтисодиёти бўйича Марказий Осиёдаги салоҳиятли давлат. Охириг етти йил ичида мамлакат янги ички махсулоти (ЯИМ) икки баробар ошди. Ўтган йил якунига кўра Ўзбекистонда ЯИМ аввалги йилдагига нисбатан 6,5 фоизга ўсиб, 115 млрд. долларга етди. Глобал ва Яқин Шарқ иқтисодиёти учун катта аҳамиятга эга бўлган Кувайтнинг янги ички махсулоти эса 162 млрд. АКШ долларини ташкил этди.

Кувайт глобал энергия хавфсизлигининг замонавий архитектурасида ўзига хос ўринини эгаллайди. У нефть экспорти борасида етакчи ўнга давлатдан бири ва захираларига кўра Кўрфазда ик-

дейиш мумкин. Масалан, савдо йўналиши. Сўнгги беш йилда икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 5 баробар ошди. Бироқ кўрсаткичлар ҳар икки томоннинг иқтисодий салоҳиятини тўлиқ акс эттирмайди.

Инвестициялар бобида ҳам Кувайт салоҳиятли давлат. Масалан, “Investment Authority” компанияси молиявий имкониятлари бўйича Кўрфазда иккинчи, дунёда эса бешинчи ўринда. Унинг жорий активлари қарийб 1 трлн. долларга баҳоланган. Яна бир фонд — Кувайт араб иқтисодиий тараққиёт жағфармаси ривожланаётган мамлакатларга имтиёзли грант ва кребал ва Яқин Шарқ иқтисодиётини ажратувчи нуфузли ташкилотдир. Ўз навбатида, Ўзбекистон улкан имкониятларга эга муҳим сармоявий марказга айланмоқда. 2017 йилдан буён Ўзбекистонга қарийб 80 млрд. долларлик хорижий сармоя жалб этилди. Шу нуктаи назардан, Ўзбекистон кувайтлик инвесторлар учун истиқболли йўналишга айланиши мумкин.

Ўзбекистон рақамли иқтисодиётга ўтишга катта куч ва маблағ сарфлаган давлат. Худди шундай Кувайт ҳам. Унинг АКТ бозори 22 млрд. доллардан ошди, Ўзбекистоннинг рақамли иқтисодиёти эса қарийб 4,5 млрд. долларга баҳоланмоқда. Шу боис Кувайтнинг рақамли инфратузилмани иқтисодиётга муваффақиятли интеграциялаш борасидаги бой тажрибаси биз учун аини муддао. Бу “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг устувор мақсадларига ҳамоҳангдир.

Худудларни ривожлантириш борасида ҳам Ўзбекистон Кувайт билан ҳамкорлик тажрибасига асосланган қатор лойиҳалар устида ишламоқда. Кувайт, асосан, рақамли технологиялар ва “яшил” инфратузилмани интеграциялашга қаратилган бир нечта йирик “ақлли шаҳар” лойиҳаларини амалга оширди. “Ақлли” шаҳарлар кўпичина энергия тежайдиган тизимлар, қуёш панеллари ва энергия тежовчи қурилмаларга таянади. Шу боис Ўзбекистонда “Ақлли шаҳар” концепцияси ишлаб чиқилиб, лойиҳа ижроси бўйича тажрибалар олиб борилляпти. Зотан, урбанизация билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш, экологик вазиятни яхшилаш ва хавфсизлигини таъминлашда “ақлли” технологиялар муҳим ўрин тутди.

Таъкид шуки, Марказий Осиё минтақасига бошқа давлатлар қатори араб мамлакатларининг қизиқиши кучайган, у бозор қонуниятлари асосида соғлом ҳамкорлик доирасида кенгайиб бориши мукярар. Ўзбекистон Президентининг Кувайтга таширфи давомида ёришлаладиган битимлар, келишув ва ахднономлар ҳар икки давлат ва минтақаларимизнинг иқтисодий имкониятлари кенгайишига, халқларимизнинг фаровонлиги ошишига хизмат қилади.

Муҳиддин ПЎЛАТОВ,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Дил сўзи

ЖАҲОН АРЕНАСИДАГИ ЗАФАРЛАР МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ

Бугунги кунда жаҳоннинг етакчи давлатлари қатори мамлакатимизда таълимни ривожлантириш, сифатини ошириш масалаларига биринчи галдаги вазифа сифатида қаралмоқда. Юртимизда ўқитувчиларнинг мақоми конституция даражасида белгилаб қўйилган. Бу эса давлатнинг илм-фан, маърифат ва таълим бўйича туб ислохотлар қилишга чоғланганидан далолат.

Чекка қишлоқдаги оддий оилада туғилиб ўсганман. Ота касб — муаллимликни танлаб, аввалига мактабда тарих фанидан дарс бердим. Сўнгра Ёшлар иттифоқи ва бошқа ташкилот-идораларда фаолият олиб бордим. Ўтган йилдан бошлаб Сирдарё вилоятининг Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси раҳбариман.



Олимпияда ва паралимпия ҳаракати, иxtисослаштирилган ва оммавий спортни янги босқичга олиб чиқиш, аҳоли жисмоний фаоллигини ошириш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган видеоселекторда Президентимиз томонидан катта нафақа меҳнатим юксак эътироф этилганидан, эътибордан бошим кўкка етди.

Очиги, Президентимиз Фармони билан “Дўстлик” орденига сазовор бўлганим бутун Сирдарё педагог-ҳодимларига ҳам катта қувонч бағишлади. Бунинг айна кўнларда вилоятимиздаги мактабгача ва мактаб таълими тизими муассасаларида ишлайётган педагог-ҳодимларнинг видеоселекторда Президентга берган ваъдасини бажаришга ҳисса қўшишга сидқиқилдан қиришгани далолатдир. Албатта, ёш авлодни мактаб билан қамраб олишда мактабларнинг юқори малакали мутахассис педагоглар билан таъминланиши муҳим омил ҳисобланади. Хусусан, вилоятимиздаги 312 мактабда ўз касбига фидойи 884 нафар жисмоний тарбия фани ўқитувчиси фаолият юритмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, бугуннинг ўқитувчиси ўз фанини чуқур билиши, фан методикасини пухта ўлаштириб олган бўлиши зарур. Зеро, ўқитувчи салоҳиятли бўлса, таълимда сифат бўлади. Шу жиҳатдан, “Умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия фани ўқитилишини тубдан такомиллаштириш ҳамда ушбу фан ўқитувчиларининг касбий фаолияти

ни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори мактаблардаги жисмоний тарбия фани ўқитувчилари фаолиятини янги босқичга кўтарди. Мазкур қарор ижроси бўйича мактабларда ҳафтаинг ҳар шанба кунини “спорт кунини” деб белгиланди. Ўқувчиларимизни ёш кесимида уч тоифага, 1 — 4-синф, 5 — 8-синф ва 9 — 11-синфларга ажратиб олдик. Яъни ёш тоифасидан келиб чиқиб, ўқувчиларни олимпия, оммавий ва ҳаракатли ўйинлар спорт турларига бириктириш бўйича ишлар босқичма-босқич ташкил этилмоқда. Шунингдек, мактабларда “Мактаб спорт клублари” фаолияти ҳам йўлга қўйилди.

Мазкур видеоселекторда оммавий спортни ривожлантириш ва бўлажақ Олимпия, паралимпия ҳамда жаҳон чемпионларини тарбиялаб, қамолга етказишда мактабларнинг ўрни беқиёс эканлиги таъкидланди. Болалар ва ўсмирлар спортини ривожлантириш учун қатор вазифалар белгиланди. Бундан келиб чиқиб, мактабгача ва мактаб таълими ҳодимлари ушбу вазифаларни бажаришга катта масъулият билан ёндашмиз. Негаки, Ватанимиз номини улуғлайдиган бўлажақ чемпионларнинг йўли айна мактабгача ва мактаб таълими масканларидан бошланади.

Наригза ХОЛБОВА,
Сирдарё вилоятининг Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиғи, «Дўстлик» ордени соҳибаси.

БИНОЛАРНИ ҲИМОЯЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН ЕЧИМИ

Хива шаҳрида термитларга қарши курашда янги ёндашув ишлаб чиқилди. Хоразм Маъму академияси олимлари томонидан олиб борилган изланишлар натижасида термитлар билан самарали курашиш учун янги ем-хўрак ва тупроқ остидан ишлов бериш қурилмаси яратилди.

Кашфиёт

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ахборот хизмати маълум қилди.

Унга кўра тайёрланган ем-хўрак, “Metarhizium anisopliae” ва “Beveria tenella” замбуруғлари ара-лашмаси ҳамда “Ferulla” ўсимлиги пояс ёрдамида ишлаб чиқилган. Ем-хўрак, нам ва қоронғи жойларда термитлар томонидан уясига олиб кетилди ва замбуруғлар улар орқали тарқалиб, термит оиласида қасалликни келтириб чиқарди. Ушбу жараёнинг муваффақиятли амалга оширилиши, термитларга қарши биологик курашни янада самарали қилишга имкон яратди.

Шунингдек, ҳудуддаги Янги турмуш маҳалласида-

ги аҳоли хонадонлари учун тупроқ остидан ишлов бериш қурилмаси қўйилди. “Ижектор” усули ёрдамида термитлар томонидан зарарланган уйларга тупроқ остидан хавфсиз тарзда ишлов берилди. Натижалар шуни кўрсатдики, ишлов берилган уйлар термитлардан ҳимояланган, ишлов берилмаган уйлар эса термитлар томонидан зарарланган.

Ушбу инновацион ечимлар, термитларга қарши курашда янги даврни бошлаш ва биноларни самарали ҳимоя қилишга ёрдам беради. Бу ёндашув нафақат Хива, балки бутун Ўзбекистон бўйлаб қадимий иншоотларни термитлардан ҳимоялашда муҳим аҳамиятга эга.

«Халқ сўзи».

Самарқанд давлат тиббиёт университети жамоаси университетнинг Оториноларнология кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори

Умрилло ЛУТФУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларида чуқур таъзия изҳор қилади.

Бугунги кунда биз мард ва матонатли халқимизга, сервайрат ёшларимизга ишонганимиз учун ўз олдимизга катта-катта мақсадлар қўймоқдамиз, маррани баланд олмоқдамиз. Келгусида Учинчи Ренессанс пойдеворини яратадиган янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Мирзо Улуғбек ва Алишер Навоийлар қаердан пайдо бўлади? Бу улкан вазифаларни ким бажаради? Мен қайта-қайта такрорлашдан чарчамайман. Албатта, бу эзгу вояларни сизлар — бугунги Янги Ўзбекистон ёшлари амалга оширасизлар.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Ёшлик — инсон умрининг баҳори.
Шу боис унда доим куёш чарақлайди.
Орзу-мақсадлар мусаффо осмон каби тиниқ бўлади.
Келажакка умид қуртаклари барг ёзади. Жисму руҳда ўсиш,
уйғониш, кўкка бўй чўзиш устувор бўлади.
Шу боис мамлакатимизда ёшлар камолотиغا давлат сиёсати
даражасида эътибор қаратилмоқда. 14 февраль куни
Президент Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар билан мулоқоти
ҳамда унда илгари сурилган ҳаётбахш таклиф ва
ташаббуслар бунинг яна бир
яққол ифодаси бўлди.

ИМКОНиятлар эшиги очилди, қолгани ўзимизга боғлиқ

Муҳаммад ДИЛМУРОДЗОДА,
«Муҳандис Д» лойиҳаси муаллифи, физика фани
ўқитувчиси:

— Биласизми, кайфиятим шу қадар кўтаринки! Шу онданок жидду жаҳд билан ишимни янада ривожлантириш борасида бош қотиряпман. Зеро, биз, ёшларга кўпдан-кўп имкониятлар эшиги очилди. Энг муҳими шунки, барча ҳаракатлар навқирон авлоднинг илм олиши, маърифатли бўлишига қаратилган.

Учрашувда ватанпарварлик, ажодларга муносиб ав-

лод бўлиш, ўзбек халқи буюк миллат сифатида не-не улуг алломаларни етиштириб берганини англаб етиш лозимлиги каби вазифалар устувор қилиб белгиланди. Давлатимиз раҳбарининг минбарга чиққан ҳар бир тенгдошимиз сўзларини диққат билан тинглаб, алоҳида ёндашиб аниқ йўналиш, лозим бўлса, масаланинг ечимини кўрсатиб берганлари мени ҳайратга солди.

ТАДБИРДАН КАТТА МОТИВАЦИЯ БИЛАН ЧИҚДИМ

Жаҳонгирмирзо ИБРОҲИМОВ,
«Муҳандисона» корхонаси раҳбари:

— Тўғриси, бундай катта тадбирда илк бор иштирок этдим. Учрашувда давлатимиз раҳбари томонидан биз, ёшларга улкан имтиёзлар белгилаб берилди. Тадбирдан катта мотивация билан чиқдим. Биз IT соҳасида ўзбек ёшларининг махсулотлари, ютуқларини инглиз тилида маҳаллий ва халқаро аудиторияга намойиш этиб келамиз. Илмий контентларимиз етти юз миллион марта кўрилмоқда. Учрашув аввалида шу кўрсаткичи бир миллиардга етказмоқчи эдим.

Президентимиз томонидан берилган имтиёزلарга ишонган ҳолда, айта оламани, бу рақамларни беш миллиардга кўтарамиз. Энди тадбиркор ёшларга 2,5 миллиард сўмгача имтиёзли кредитлар, стартап лойиҳаларга 2 миллиард сўмгача инвестиция киритилади. Бундай улкан имкониятни, очиги, кутмагандим. Эндилликда бундан оқилона фойдаланиб, кўзланган мақсадни амалга оширамиз.

РЕЖАЛАРИМНИ ЯНА БИР КАРРА ОЙДИНЛАШТИРИБ ОЛДИМ

Рустам ҚОРИЕВ,
«Ибрат фарзандлари» лойиҳаси
асосчиси:

— Ёшларга қанот берадиган янги таклифлар, улар учун имкониятларни кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар... Шу жиҳатдан ушбу мулоқотни тарихий деб атасак, аини ҳақиқат. Президентимиз билан бир марта мулоқот қилган одамнинг ҳаёти буткул ўзгариб кетади.

Давлатимиз раҳбари менга "Шухрат" медалини топшираётган чоғда "Президент сен билан!" деган эди. Шу сўзлар менга баланд рух, янги куч, гайрат-шижоат берди. Қолаверса, зиммамга улкан масъулият ҳам юкланди. Хар куни режа билан иш бошлар эканман, кейинги гал учрашувда Президентга қандай натижа билан юзланаман, ёшларга қандай намуна бўламан, деган саволни ўзимга бераман. Аини учрашув ҳам ул-

кан таассуротларга бой ўтди. Келгусидаги режаларимиз, қарашлар ва мақсадларимни ўзим учун яна бир карра ойдинлаштириб олдим.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қатор тилларни ўрганишга мўлжалланган "Ибрат фарзандлари" иловаси яратилди. Мамлакатимизнинг олис-яқин ҳудудларини қамраб олган ушбу лойиҳа доирасида уч мингдан ортиқ видеоматериаллар юкланди. Қисқа вақтда ижтимоий тармоқдаги саҳифаларда обуначилар сони саккиз юз мингга етди. Аини пайтда илованинг ўзидан тўғридан-тўғри икки миллион фойдаланувчи ўзбек, рус, инглиз, немис, турк, араб, француз, корейс, испан, хитой ва бошқа тилларни бепул ўрганмоқда. Аини пайтда амалга ошираётган ишларимизни янада кенгайтириш учун ўзимда янги шижоатни ҳис қиляпман.

БИЗ ХОРАЗМИЙ ВОРИСЛАРИМИЗ

Шаҳноза ҚАЛАНДАРОВА,
Ёшлар ишлари агентлигининг
Хоразм вилояти бошқармаси
ахборот хизмати раҳбари:

— Хар гал Юртбошимиз ёшлар масаласига алоҳида ёндашиб, муаммоларимиз ечимини биз кутгандан ортиги билан ҳал қилиб беради. Бугун "оммавий маданият" ва онгу қалбга қаратилган ахборот хуружлари авж олган давр. Шу боис Президентимиз миллий контентлар яратиш, ижтимоий тармоқлардаги таҳдидларга қарши маънавий имунитетни шакллантириш борасида ҳам кўплаб топшириқлар берди. Ушбу йўна-

лишдаги ижодий ишларни йўлга қўйиш учун Ёшлар ишлари агентлиги томонидан 100 миллион сўмгача грантлар берилиши эълон қилинди.

Ўтган йил Хоразмда IT соҳасида "Муҳаммад Хоразмий ворислари" лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилди. Бу йил ушбу лойиҳани Қорақалпоғистонда ҳам жорий этиш, дастурчи қизлар сонини 2 баробар ошириш, юртимизда 1 минг нафар иқтидорли қиз IT оромгоҳларида халқаро олимпиадаларга тайёрглини режалаштирилган. Бу каби тадбирлар биз, ёшларни янги марралар, улғувор мақсадлар сари чорламоқда.

МАЪНАВИЯТ БОШҚА СОҲАЛАРДАН ЎН ҚАДАМ ОЛДИНДА ЮРИШИ ЛОЗИМ

Ўлмасбек АБДУРАҲМОНОВ,
актёр:

— Қарийб бир йилдан буён миллий кадриятларимизга мос келадиган миллий контент яратиш, оммага ҳавола этиб келаман. Президентимиз маънавият бошқа соҳалардан кўра ўн қадам олдинда бўлиши керак, деган фикрни таъкидлаган эди. Хўш, бу борада бир ёш сифатида мен нима бажара оламан? Ёзаман ва ижро қиламан. Ана шу маҳоратимни ишга солган ҳолда жамиятимизда инсонларни, хусусан, ёшларни қийнаб келадиган муаммоларни, уларнинг ҳаётини захарлайдиган салбий одатларни образли тарзда акс эттираман.

Жамоамиз билан илк мартаба "Кураш — ҳаёт давом этади" миллий сериалини тасвирга олдик ва уни интернет глобал тармоғига юклаганимизда ўттиз миллиондан кўп томоша қилинди. Ҳозир сериалнинг иккинчи мавсумини тасвирга олиш ишларини бошлаб юбордик.

Маънавиятнинг энг асосий устунларидан бири, шак-шубҳасиз, театр. Ривожланган мамлакатлар таҳрибасини ўрганиб кўрганимизда аънавий театрда кўра эксперементал театрнинг таъсир доираси кенглигини кузатдик. Шу сабаб ҳам учрашувда Ёшлар ишлари агентлиги қошида эксперементал театр-студия тузиш таклифини билдирдим. Жамоамиз билан бирга жаҳидларимизнинг гоёларини замонавий тарзда, янгича кўринишда ёшларга етказишни мақсад қилиб қўйдик.

Учрашувда Президент "Ёшлар — халқимизнинг, Ватанимизнинг олтин фонди", дея алоҳида таъкидлади. Мана шу эътирофга, ғамхўрликка муносиб бўлиш хар биримизнинг муқаддас бурчимизга айланишига ишонаман.

ХАЙРЛИ ИСЛОҲОТЛАРДА ФАОЛ БЎЛИШИМИЗ КЕРАК

Отабек СОБИТОВ,
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги
Ёшлар парламенти раиси:

— Хар гал давлатимиз раҳбари билан кўришганимизда улкан куч, қувват оламиз. Маскув учрашувда ҳам бизга янада баланд марраларни қўйиб бердиларки, ҳеч бир соҳа эътибордан четда қолмади. Тадбиркорлик дейимизи, бизнесни қўллаб-қувватлашни, томорқачилик ёки ёшларни олий таълимга қамраб олиш кўрсаткичини кўтаришни, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами дейимизи — барча-барча соҳада билдирилган таклифларни синчковлик билан тинглаб ўз муносабатларини билдирди. Муддао битта — ёшларга қанот бўлиш, орзуларига етиштириш.

Эртаимиз эгаларининг хорижда таълим олишларига кўмаклашувчи "Ерқин истеъдод" лойиҳаси, янги авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган "Ватан таянчи" ҳаракатини давом эттириш масалалари бугунги глобаллашув замонида аини муддао, деб ўйлайман. Давлатимиз раҳбари томонидан ёшлар бандлигини таъминлаш, ишсизликка барҳам бериш борасидаги ташаббуслар ҳам қўллаб-қувватланди. Биз эса бошланган бундай хайрли ислохотларни тенгдошларимизга етказишда фаол, ҳаракатчан бўлиш, ўз навбатида, сиёсий жараёнларда қизгин иштирок этишимиз лозим.

ОЛТИАРИҚДАН — ҲАРВАРДГАЧА

Азизбек ЗАЙЛОБИДДИНОВ,
АҚШнинг Ҳарвард университети талабаси,
«Ибрат дебати» лойиҳаси раҳбари:

— Ҳарвард университети бакалавр босқичида тахсил олиш учун юз фоизлик грант ютдим. Фарғонада, оддий оилада туғилиб, вояга етдим. Президентимиз ташаббуслари билан ўзим сингари моддий қийналган оила фарзандлари учун яратиб берилган имкониятдан фойдаланган ҳолда шу натижага эришдим, деб ўйлайман.

Бундан икки йил муқаддам "Ибрат фарзандлари" лойиҳаси доирасида дунёнинг энг нуфузли "ТОП — 100" университетига тайёрлайдиган илмий оромгоҳ-

да иштирок этдим. Ўшанда чет элда ўқиш ниятим борлигини эшитганлар орасида "Ҳарвард қаердаю, Олтиариқ қаерда?" дегувчилар ҳам топилди. Етти-саккиз йил илгари бундай ютуқларни, ҳатто орзу қилиш ҳам имконсиз эди, десам, адашмаган бўламан. Келгусида билим ва малакаларимни ошириб, етуқ кадр сифатида жонажон Ватанимизнинг тараққиёти учун ўз ҳиссамни қўқиш йўлида бор куч-гайратимни аямайман.

БЕРИСАН ИМТИЁЗЛАР ЯНГИ МАРРАЛАРГА РУҲЛАНТИРАДИ

Лайло АСЛОНОВА,
Тошкент давлат юридик университети
ўқитувчиси, халқ депутатлари Яққасарой тумани
Кенгаши депутати:

— Президентимиз томонидан илгари сурилган янги имкониятларни эшитиб, чиндан ҳам бошим кўкка етди. Ёш педагог, тадқиқотчи ўларок хар бир сиёсий ўзгаришларни кузатиб, таҳлил қилиб бораман. Биласизми, бугун ёшлар хоҳ мамлакатимиз, хоҳ дунёнинг нариғи чеккасида бўладими — барчаси тингланми, ташаббускор гоёларини рўёбга чиқариш учун қўллаб-қувватланпти. Ўсиб келадиган ёш авлодга бериладиган ишонч ва имтиёзлар ортиб бормоқда. Ана шундай имкониятлардан бири Ёшлар парламентида асос солингани бўлди.

Ҳақиқатан ҳам, бу тажриба сиёсий жараёнларда фаоллик, демократия, парламентаризм мактаби бўлиб хизмат қилмоқда. Худудлардаги йигит-қизларнинг овозини тинглаб, уларни парламентда эшиттириш асосий мақсадимиз эканини яна бир бор таъкидламоқчиман.

КЎНГИЛГА ТУЙГАН НИЯТЛАРИМ БОР

Барно РОЗИҚОВА,
«LinguaBarno» лойиҳаси асосчиси, инглиз тили
фани ўқитувчиси:

— Ўз йўналишим бўйича фикр билдирадиган бўлсам, инглиз тилидан "С1" даражасига эга бўлган ўқитувчи-ёшлар учун юртимизнинг олис ва чекка худудларида ўқув марказлари очишга ҳам молиявий, ҳам маънавий кўмак берилиши соҳа вакиллари учун янгилик бўлади. Хорижий тилларни ўқитишга оид контентлар яратаман.

Эндилликда ёшларни маънавиятимизга зид хатти-ҳаракатлардан қайтарувчи, миллий маданиятимизни тарғиб этадиган, кадриятларимизга мос бўлган ўзбекона руҳдаги медиамаҳсулотлар тайёрлаб, ижтимоий тармоқлар аудиториясига ҳавола қилмоқчиман.

Шу билан бирга, ўқувчиларимнинг халқаро сертификатларнинг энг юқори кўрсаткичларини қўлга киритиши учун астойдил ҳаракатда бўлишни, уларни "Эл-юрт умиди" жамғармаси стипендиалари сафига қўшиб, дунёнинг нуфузли университетларида тахсил олишига кўмаклашишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

«Халқ сўзи».

Хар йили меҳнат бозорига 600 мингдан ортиқ йигит-қизлар кириб келмоқда. 2030 йилга бориб, бу кўрсаткич 1 миллион нафарга етади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 15 407 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Ҳисоб устулаи босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатий маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопчибаът 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Таҳририятга келган кўлхазмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.

Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 03.35 Топширилди — 05.20 1 2 3 4 5 6